

УДК: 821.512.133

ОБРАЗЛИЛИК ВА ЁЗУВЧИ ИНДИВИДУАЛЛИГИ

Г.Қўйлиева*, Н.Тоштемирова**

*Гулистон давлат университети, **Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсати КХК

E-mail: n-toshtemirova@umail.uz

Бадий образ воқеликдаги нарсa-ҳодисанинг ижодий қайта ишланган акси, шунга кўра, у ўша нарсa-ҳодисани конкрет ҳис этиладиган тарзда тасвирлайди. Айни чоғда, тасвирланган нарсa муайян мазмунни ифодалашга хизмат қилади (Қурунов ва бошқ., 2010).

Эпик турдаги асарларда кўпроқ муайян инсон образлари яратилади ва у ёзувчининг ғоявий ниятини амалга оширишда асосий восита вазифасини ўтайди. Ушбу образларни уларнинг асар мазмунидаги иштирокига кўра хизмат қилиш даражасини аниқлаш мумкин.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Трилогияларда образлилик масаласи бошқа масалалар сингари ўз аҳамиятига молик. Асарлардаги аксар образлар етакчи қаҳрамоннинг характер-хусусиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга айримлари ўзлари алоҳида характерлар ёки типлар сифатида ҳам шакллантириладилар. Ёзувчи бадий адабиётда қаҳрамон характерини яратар экан, унинг шаклланишига хизмат қиладиган ҳамма омилларни ҳисобга олади. Фақат насл-насаб, таржимаи ҳол, давлатнинг ижтимоий тузуми, тарихий даврлар, халқнинг маданий тараққиёт даражасигина эмас, балки ўтмиш маданияти ютуқлари, инсоннинг аклий тараққиёт даражаси ва бошқа кўпгина омиллар инсон характерининг шаклланишига муайян таъсир ўтказди (Адабиёт назарияси, 1978). Тадқиқотда матн таҳлили ва қиёслаш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларни таҳлили

Асарларда бадий образ яртилишида инсон омилларининг барча жиҳатлари ҳисобга олинади. Бунда, албатта, ёзувчи индивидуаллиги алоҳида аҳамият касб этади. Трилогия жанридаги асарларда ушбу хусусиятларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки буларнинг кўпчилиги тадрижийликда шакллантирилади.

Тарихий мавзудаги трилогияларда, хусусан, “Бобур”, “Хумоюн ва Акбар”да характернинг насл-насаб, таржими ҳол, давлатнинг ижтимоий тузуми, тарихий давр, халқларнинг маданий тараққиёт даражалари каби кўплаб омиллар ҳисобга олинганлигини кузатиш мумкин. Чунки асарда яратилган асосий образлар худди шу жиҳатларига кўра шакллантирилган. Айниқса, тарихий шахс образлари ҳақида худди шундай фикр билдириш мумкин.

Бадий асар ва ундаги образлар санъат намунаси ҳисобланмоғи учун, аввало, худди мана шундай – бизнинг онгимизга сезги аъзоларимиз орқали таъсир этиб турадиган ҳиссий мазмунга эга бўлмоғи керак. Шаклан ва мазмунан ҳиссийлик – бадий образнинг биринчи элементи (Адабиёт назарияси, 1978).

Тарихий шахс образларини яратишда образнинг мана шу муҳим жиҳатини ҳам унутмаслик лозим бўлади. Шунга кўра образ яратишда ҳиссийлик жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Агар яратилган образ китобхонга таъсир кўрсата олмаса, демак, ушбу образ кўнгилдагидек яратилмаган, дейиш мумкин.

Қаҳрамоннинг қайта яратилган образи ҳамиша у ёки бу даражада биограф шахсиятининг рангларига бўялган бўлади. Аммо биограф шахсиятининг ранглари қаҳрамоннинг табиий рангларини қанча кам ўзгартирса, эришилган натижа шунча юксак бўлади. Маълум маънода танқидчилик нечоғлиқ санъат бўлса, биограф санъати ҳам шунчалик ижоддир (Голсуорси, 2010).

Тарихий-биографик асарлар сирасига кирувчи “Бобур”, “Хумоюн ва Акбар” романлари ҳақида юқоридаги фикрни билдириш мумкин, яъни ушбу асарларда қаҳрамоннинг табиий ранглари кўпроқ сақланиб қолган, янаям аниқроғи, тарихий шахс ўзлиги муаллиф идеали соясида қолиб кетмаган.

Трилогиянинг ҳар учала бош қаҳрамонлари бўлган Бобур, Хумоюн ва Акбар образлари худди шу қоидага кўра яратилган. Лекин асарларда улар билан ёнма-ён ҳаракатланадиган яна бир қанча образлар мавжуд бўлиб, улар ҳам ўзига хос характер тип ва персонаж кўринишларини ёзувчи маҳорати туфайли олган. Муаллифнинг индивидуаллиги такрорланмас образларни ярата билганлиги билан ҳам белгиланишини ҳисобга олсак, П.Қодировнинг юқоридаги трилогиясидаги Мулла Фазлиддин, Тохир, Қосимбек, Низом, Ҳамидабону каби ижобий, Шайбонийхон, Шерхон каби салбий қаҳрамонларнинг яратилганлиги бунга мисол бўла олади.

Ёзувчи меъмор Фазлиддин образига алоҳида урғу бериш орқали бош қаҳрамон бўлган Бобурнинг бунёдкорлик ишларига эътиборни қаратмоқчи бўлган. Бунга Бобур ташаббуси билан бунёд бўлган Ўшдаги кўшк, Қобулдаги бир қанча бинолар, Ҳиндистондаги бир қанча меъморий иншоотлар сабаб бўлган бўлиши мумкин. Буларнинг барчасини кўрсатиш учун ва Бобур билан бирор бир меъмор образи боғлиқ равишда яртилиши маъқул кўрилганлиги бу образга бўлган алоҳида эътиборни изоҳлайди.

Тоҳир образи ҳам асарда Бобурнинг кўпгина инсоний фазилатларини намоён эттиришда қўл келади. Чунки Бобур мағлубиятларга учраб кўпчилик ундан юз ўгирган чоғларда аслзода, лекин таъмагир беклардан кўра Тоҳир каби софдил ва мард йигитларга суяниб иш кўришни маъқул кўради. Тоҳир биринчи романнинг охирида Бобурнинг энг яқин, хос кишисига айланади. Тоҳирга ўхшаш образлар иккинчи ва учинчи китобларда ҳам учрайди, яъни Низом (Салим ота), Бҳишан Чанд каби образларда ҳам шу хусусият кузатилади. Асардаги иккинчи даражали қаҳрамонларнинг аҳамиятини трилогия хотима қисмидаги буюк Акбаршоҳнинг неваралари Хусрав ва Хуррамларга фил совға қилаётган фикрларидан ҳам сезиш мумкин:

Невараларим. Сизлар ҳам шу филдай қудратли, филдай бардошли бўлинглар! – деди. – Бҳишан Чанд – менинг қирқ беш йиллик қадрдоним. Бағри кенг ҳинд халқининг заҳматкаш фарзанди. Бобур бобомизнинг Тоҳир деган заҳматкаш қадрдони бор эди. Сенлар ҳам ҳалол заҳматкашлар орасидан Тоҳирдек, Салим отадек, Бҳишан Чанддек қадрдонлар топинглар! Энг оғир дамларда шулардай беғараз, ҳалол одамларга суянинглар (Қодиров, 1997).

Қосимбек асарда Бобурнинг ёнида кўп ҳолларда бирга бўлган содиқ бекларидан бири сифатида шакллантирилган. У табиатан бир оз тез характерли киши қилиб тасвирланган бўлса-да, Бобурнинг ўз оғасидек маслаҳатгўйи вазифасини ўтаган.

Иккинчи ва учинчи китобларда Ҳумоюн ва Акбарни характерловчи Низом (Салим ота) ва Ҳамидабону сингари образлар шакллантирилган. Низом оддий қайиқчи йигит сифатида асарга иккинчи китобда Ҳамидабону образи билан бирга кириб келади. Кейинчалик Ҳумоюнни дарёда ўлимдан қутқаргач, Ҳиндистоннинг шоҳи даражасига Ҳумоюннинг миннатдорчилиги сифатида кўтарилади. Учинчи китобда эса ўзининг донишмандлиги туфайли Акбаршоҳнинг пири сифатида эътироф этилади. Кўринадики, ушбу образда трилогия жанридаги асарларга хос жиҳат бўлган сайёрлик кузатилади. У трилогиянинг “Ҳумоюн” қисмида ҳам, “Акбар” қисмида ҳам шох улуғлаган инсон сифатида тасвирланади.

Худди шу хусусиятни Ҳамдабону образида ҳам учратиш мумкин. У ҳам трилогиянинг иккинчи китобида Низом ва Ҳумоюнлар кўнгил кўйган қиз сифатида кириб келади. Кейинчалик Ҳумоюннинг сеvimли рафикаси, Акбаршоҳнинг эса онаси сифатида акс эттирилади.

Трилогияга хос сайёрлик хусусияти Хонзодабегим образига ҳам хос бўлиб, бу қаҳрамон трилогиянинг биринчи ва иккинчи китобида асосий қаҳрамонлардан бири сифатида тасвирланган. Умуман, ушбу трилогияда ҳам тарихий шахслар, ҳам тўқима образлар билан боғлиқ сайёрлик жиҳатлари шакллантирилган.

“Юлдузли тунлар” – воқеалари изчил ва ҳаққоний тасвирланган, мураккаб сюжет ва қаҳрамонларнинг кўп қатламли таркиби (системаси)дан иборат роман. Ҳамма қаҳрамонлар ҳам тарихий шароитда бадий мантиққа мувофиқ ҳаракат қиладилар ва улар бирлашиб, Бобур характерининг моҳиятини очиб беради, бир бутунликни таъминлайди, муаллифнинг ўтмишга, ҳозирги замонга муносабатини ойдинлаштиради. Кўз ўнгимизда олийжаноб фазилатли дилбар шахс (Ж.Неру), фотиҳликдан, шохликдан инсонийликни устун қўйган, Ҳиндистонда марказий давлат тузган буюк даҳо, мумтоз ва файласуф шоир ҳаёти, ижодий фаолияти билан шохлар орасида ягона ва беназир (П.Қодиров) инсон гавдаланади (Умуров, Носиров, 2000).

Хуллас, “Юлдузли тунлар” романи қаҳрамонлари кўп сонли бўлишига қарамай асарда ўз ўрни ва вазифасига эга. Ёзувчи уларни муҳит ва давр, асосий характерлар ифодаси учун ўринли қўллай олган.

Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясида ҳам образлилик хусусиятлари трилогия жанрига хос тарзда шакллантирилганлигини юқоридаги боблардаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Бунини биз асардаги Икромжон, Райимберди тоға ва бошқа шахслар образларидан ташқари Жаннат хола, Турсунбой, Тўланбой, Низомжон, Аъзамжон, Дилдор каби кўплаб образлар мисолида кўришимиз мумкин.

Хусусан, трилогияда Жаннат хола образи алоҳида аҳамият касб этади. У асарнинг биринчи китоби бошида ўсмир ўғлини авайлаб, ўзи оғирроқ бўлишига қарамай шу эркатойига тансиқроқ овқат қилиб бериш учун ўтин ёраман деб уриниб қўйиб, қорнидаги боласидан айрилиши каби жараёнларда кўрсатилади. Уни тахминан қирқ ёшлар орасидаги аёл, деб билиш мумкин.

Лекин иккинчи китобда у кекса аёл сифатида акс эттирилади. Ваҳоланки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган эди. Бу масала юзасидан адабиётшунос олим У.Ўлжабоев куйидагича фикр билдиради:

Трилогиянинг биринчи қисми – “Қирқ беш кун” да китобхон бу қаҳрамон ҳақида анча-мунча тасаввурга эга бўлади. Унинг ҳаётидаги қувончли воқеалар билан ҳам, изтироб ва армонли жиҳатлар билан ҳам танишади. Ана шу таассуротлар билан иккинчи китобни ўқишга киришган ўқувчи дарҳол Жаннат хола ҳақидаги тафсилотларда мантикий зиддиятга дуч келади. Олдинги китобда бу қаҳрамон бизга хушрўйгина, қирқ ёшлар атрофидаги жувон сифатида таништирилган эди. Бу ерда эса уни “кексагина бир хотин” қиёфасида кўрамиз. Яна сал ўтиб, бир иш билан бу уйга келган эрининг дўсти, қўшниси Умматали уни “Жаннат хола” деб чақириб келади. Олдинги китобда Умматали унга “синглим” деб “сан”сираб мурожаат қилган эди (Ўлжабоев, 2007). Ҳақиқатан ҳам, ўз тенгқурининг аёлига хола деб мурожаат қилиниши мантиққа зид ҳол эканлиги барчага маълум. Ҳам трилогия китобларидаги воқеалар 1939-1945 йилларни қамраб олганлигини ҳисобга олсак, бир аёлнинг бу даражада, яъни кекса одам “хола” дейиши даражасида “кексагина” бўлиб қолиши ҳақиқатдан анча йироқ. Демак, “Уфқ” каби мукаммал шаклдаги трилогияда ҳам образлар ифодаси билан боғлиқ айрим камчиликларга йўл қўйилган экан.

Лекин Саид Аҳмаднинг ўзига хос услуби, қаҳрамонлар руҳиятини чуқур ифода эта олиш маҳорати ҳам айнан шу романда ўз аксини топган:

Бу ҳолатларни юқоридаги бобларда Икромжон, Турсунбой, Низомжон каби образлар тасвирида ҳам кўриб ўтган эдик. Худди шундай руҳият тасвирини Турсунбойдай кўрқоқ ўғлига боғлиқ ҳолда Жаннат хола тасвирида ҳам кузатиш мумкинлиги тадқиқотларнинг аксарида ўз ифодасини топган. Трилогияда Дилдор, Аъзамжон, Асрора, Иноят оқсоқол, Рисолат каби кўплаб образларнинг индивидуал жиҳатларига кўра бир-бирига тўлдириб, катта полотно яратилишига сабаб бўлганликларини кузатиш мумкин. Ёзувчи романда яшовчи қаҳрамонларнинг ҳаётлари микёсан ҳам бир-бирларига уйғун бўлишига, бунда симметрияни сақлашга кўп эътибор беради (Ғофуров, 1981).

Асарда Дилдор гўзал, лекин ўйламай қўйган қадамидан пушаймон бўлиб, ўз ҳаётини яхшилашга интилаётган инсон бўлиб, у бу йўлда қийинчиликлардан қўчимаёйди, хусусан, чўлга кўчиб боргач, эркаклар қатори тракторчиликни ўрганиб, далада меҳнат қилади. Низомжон олдида ўзини айбдор санайди. Аъзамжон эса ўзининг беқарор феъли билан уни бахтсиз қилади. Холматжонгина Дилдорнинг севгисига сазовор бўлади.

Трилогиядаги Асрора образи ҳам жуда фаол бўлиб, у Аъзамжон каби журъатсиз ва қийинчиликларга чидамсиз эркаклар тимсолига қарама-қарши шакллантирилган. У ҳалол ва фидойи қиз. Тошқинда жонини хатарга қўйиб, ёш болаларни қутқариши, колхозга ҳам маҳалладошлари айнан уни раис қилиб сайлашларидан унинг характерини англаш мумкин. Асрора – атроф муҳитга шодлик ва жўшқинлик олиб киради. У роман саҳифаларига ҳаётий қуввати ҳеч қачон сўнмайдиган чирокдек шодон шуъла таратиб туради (Ғофуров, 1981).

Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, ушбу трилогияда образлар ўзига хос ситемага бирлашган ва шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз характер-хусусиятларига ҳам эга. Умуман, ушбу трилогия бадий жиҳатдан анча мукаммал ва образлар ифодасига кўра ҳам етук асарлардан бири ҳисобланади.

Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогиясидаги сайёр сюжетлилиқ фақат асар ғоявий мазмуни билан ундаги ўзига хос руҳий ҳамдамлик билан боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган эди. Ушбу руҳий бирлик кўпроқ асарлар етакчи қаҳрамонларининг фидойиликлари, ҳақпарастликлари, ўз гуноҳларини тушуниб етиб эътироф эта билишлари билан белгиланади.

Омон Мухторнинг трилогиянавислиқдаги индивидуаллиги шундаки, у асар таркибидаги романларнинг шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос кўринишини ярата олди. Муаллиф романлар қаҳрамонларининг сайёрлигини эмас, балки ғоявий сайёрликка амал қилади. Шунингдек, ёзувчи инсон кечинмаларининг мураккаб томонларини ҳам кўра билди. Дунёдаги эзгулик ва ёвузлик курашининг замона ўзгаришлари билан боғлиқ рамзлари ва замонга мос кураш шакллари кўрсата билди.

Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогиясида фантастика ва мистика усулларида ҳам унумли фойдаланилган. Буни романлардаги Абдулла Ҳакимнинг қабрдаги ҳаёти, унинг машхаргоҳда ва дўзахдаги кечинмалари билан боғлиқ воқеликларда, Садиржон ва тўққиз қаватли бинонинг чўл ўртасига учуриб олиб бориб ташланиши, Сирож муаллимнинг шайтон қиёфасида кўриниши, мирзо Ғолибнинг сомониёлар даври одамлари ва “мумтоз ўлиқлар”ни учратиши билан боғлиқ тафсилотларда кузатиш мумкин.

Умуман, “Тўрт томон қибла” трилогияси модернистик усулда ёзилган замонавий асар бўлиб, унда илгари суриляётган асосий ғоя инсонларнинг ҳаётда минг бир қиёфада намоён бўлишлари ва вақти келганда қилган эзгулик ва ёвузликлари учун жавоб беришлари муқаррар эканлиги. Шунингдек, эзгулик ва ёвузлик курашида эзгуликнинг устун келиши ҳам асарнинг моҳиятига сингдирилган. Асар сарлавҳаси ҳам шунга ишора қилади. Яъни ҳар қандай вазиятда ҳам инсон ўзи учун ёруғликни ўзи истаган томондан топа олиши мумкин. Инсон учун айнан бир томон эмас, тўрт томон қибла эканлиги, ҳаётидаги руҳий эркинликка ишора бўлса-да, лекин ана шу руҳият иймон нури билан, эзгуликка ишонч билан йўғрилган бўлиши инсоннинг ўзигагина боғлиқ эканлигига ишорани илғаш мумкин.

“Тўрт томон қибла” трилогиясининг етакчи қаҳрамонларини жамиятдаги мавжуд айрим тоифа шахсларнинг типик вакиллари дейиш мумкин. Хусусан, трилогиянинг биринчи романи “Минг бир қиёфа”нинг биринчи қисмидаги Абдулла Ҳаким фақат кун ўтказиш учун яшаётган оддий инсонларнинг вакили. Иккинчи қисмдаги Садиржон ҳам шундай тоифа вакили бўлса, Гулҳумор амалпараст кимсаларнинг типик вакили сифатида шакллантирилган. “Ўзинди ўйлар” туркумидаги Насриддин ҳақпараст инсонлар вакили бўлса, Раҳим Иккинчи эса жоҳил ва қонхўр диктаторлар тоифасидан қилиб тасвирланган. Асардаги Бурҳон Шариф эса ҳақиқат учун курашиш йўлидаги ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонларнинг вакили. “Кўзгу олдидаги одам” романидаги Вали дурадгор ўз касбининг вакили бўлиши билан бирга қизиқувчанлиги туфайли турфа ҳолатлардан бохабар бўла оладиган кишилар тоифаси, дейиш мумкин. Асардаги Сирож муаллим кўп қабилхликлар қилган, ўзининг иблисона қиёфасидан бохабар ва шу сабабли унинг учун кўзгу взифасини ўтайдиган ҳар қандай кишини ёки ҳолатни бартараф қилишга уриниб яшайдиган, шайтон йўлига кирган инсонларнинг типик вакил. “Тепаликдаги хароба” романи қаҳрамони Мирза Ғолиб ҳам оддий корхона хизматчиси. Асарнинг ички сюжетида акс эттирилган Лутфий образини эса прототип асосида шакллантирилган тарихий шахс дейиш мумкин. Мирза Ғолибнинг уч тоифага, яъни “мен”ларга ажратилишида инсоннинг ўзлиги билан ҳисоблашиши, ҳаёлларнинг турфа қирраларини кўриш мумкин.

Трилогияда қаҳрамон масаласи ва ёзувчи индивидуаллиги юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Ўзбек трилогияларида қаҳрамон масаласи асарда акс эттириляётган давр ва муҳитдан келиб чиққан ҳолда сайёрлик ёки аждодлар тадрижийлиги кўринишида шакллантирилган.

- П.Қодировнинг “Бобур” ҳамда “Ҳумоюн ва Акбар” трилогиялари бош қаҳрамонлари айнан мана шу тождорларнинг ўзлари бўлиб, улар асарда тарихий давр ва авлодлар давомчилигини ҳисобга олган ҳолда бобо-ўғил-набира шаклида тасвирланган.

- Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясида бош қаҳрамон уч романда акс эттириляётган воқеликдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган. Яъни, “Қирқ беш кун” романининг бош қаҳрамони – Азизхон, “Ҳижрон кунлари” романида Икромжон, Низомжонлар бўлса, “Уфқ бўсағасида” романида айнан шу қаҳрамонлар билан бир қаторда Холматжон образи ҳам етакчи сифатида ифодаланган.

- Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогияси таркибидаги ҳар бир асарда, бу асарлар таркибидаги мустақил сюжетли ҳикоятларда ҳам бош қаҳрамон ҳар хил тоифа инсонлар бўлиб, бу асарда етакчи қаҳрамонларнинг сайёрлилик хусусияти деярли учрамайди. Ушбу асарларда ғоявий муштараклик, инсоннинг ички хотиржамликка эришуви мавжуд муҳитда ўтмиш ва келажак ҳақида фикрлаб, ўз қилмишлари устида мушоҳада юритиши ва тўғри қарорга келишида, эзгулик сари қадам босишида инсоннинг ўзида куч топа олиши билан боғлиқ руҳий жараёнлар тасвири асарнинг психологик сюжетини қамраб олган.

- “Тўрт томон қибла” трилогиясининг етакчи қаҳрамонларини жамиятдаги мавжуд айрим тоифа шахсларнинг типик вакиллари бўлиб, уларнинг аксари корхоналарнинг оддий ходимлари ёки дурадгор, ишчи сифатида шакллантирилган. Бу орқали адиб асарнинг ҳаётийлик жиҳатига ургу берди. Ушбу асарда жамиятда мавжуд чиркин иллатларнинг ўзига хос шакллари мистик ва мажозий тасвирлар орқали бўрттириб баён қилинган. Бу орқали асарнинг тарбиявий аҳамияти, маънавий жиҳати кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганимизда, ўзбек трилогияларида образлилик масаласи ёзувчиларнинг индивидуал услублари орқали ўзига хослик касб этган. Образлар тасвирланаётган муҳит ва даврга мос равишда шакллантирилган. Қаҳрамонлар танланган мавзу ва ёзувчининг ғоявий мақсадига мос равишда, трилогия жанрининг специфик жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда сайёрлик хусусиятини мужассамлаштирган.

Адабиётлар рўйхати:

Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева А. Адабиётшунослик луғати. – Т., 2010. – 490 б.

Жамоа. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. –Т., Фан, 1978. – 556 б.

Голсуорси Жон. Адабиётда характер яратиш. /Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. – Т., Маънавият. 2010. – Б.84.

Қодилов П. Хумоюн ва Акбар. – Т., Шарқ, 1997. – Б. 602.

Умунов Х., Носиров Н. “Юлдузли тунлар” ва адабий танқид. Самарқанд. 2000. – Б.59.

Ўлжабоев У. Бадиий тасвирнинг ҳаққонийлиги. – Т., 2007. – Б.39.

Ғофуров И. Прозанинг шоири. – Т., Адабиёт ва санъат. 1981. – Б. 147.

Аннотация

ОБРАЗЛИЛИК ВА ЁЗУВЧИ ИНДИВИДУАЛЛИГИ

Г.Қўйлиева, Н.Тоштемирова

Мақолада бадиий жанрлардан бири трилогияларда образлилик масаласи ва ёзувчи индивидуаллиги масалалари бир нечта бадиий асарлар мисолида таҳлил этилди.

Таянч сўзлар: бадиий жанр, бадиий қаҳрамон, трилогия, образлилик, индивидуаллик.

Аннотация

ОБРАЗНОСТЬ И ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ ПИСАТЕЛЯ

Г.Куйлиева, Н.Таштемирова

В статье обсуждается проблемы образности и индивидуальность писателя в трилогиях как одном из литературных жанров. Вопросы образности обсуждаются с помощью анализов произведений.

Ключевые слова: литературный жанр, литературный герой, трилогия, образность, индивидуальность.

Summary

WRITTEN AND INDIVIDUALITY OF THE WRITER

G. Kuyliëva, N. Tashtemirova

The article discusses the problems of imagery and the individuality of the writer in trilogy as one of the literary genres. Questions of imagery are discussed through analysis of the work.

Key words: literary genre, literary hero, trilogy, imagery, individuality.